

Сизлардан кимни бир амалга тайин қилсак... | Сийрат дарслари (323-дарс)



19:00 / 05.04.2025 2020

617. Адий ибн Амийра Киндий розияллоху анхудан ривоят қилинади:

«Расулуллоҳ соллаллоху алайҳи васалламнинг қуйидагини айтганларини эшитдим: **«Сизлардан кимни бир амалга тайин қилсагу, у биздан бирор игнами ёки ундан каттароқ нарсаними беркитса, Қиёмат куни уни келтириб беради»**, дедилар. Шунда ансорлардан бир қора киши турди. Мен худди уни (ҳозир ҳам) кўриб тургандайман. «Эй Аллоҳнинг Расули, мендан амалингизни қабул қилиб олинг», деди. **«Сенга нима бўлди?»** дедилар. «Бундай, бундай деганингизни эшитдим», деди. **«Уни ҳозир ҳам айтаман. Сизлардан кимни бир амалга тайин қилсак, озини ҳам, кўпини ҳам олиб келсин. Улардан нима берилса, олади, нима берилмаса, олмайди»**, дедилар».

Муслим ривоят қилган.

618. Абдурроҳман ибн Самура розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

«Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам менга: **«Эй Абдурроҳман ибн Самура, амирликни сўраб олма! Агар сенга у сўраганда берилса, сен ўз ҳолингга ташлаб қўйиласан. Агар сенга у сўрамаганда берилса, сенга бу ишда ёрдам берилади. Бир ишга қасам ичсангу, ундан яхшисини кўриб қолсанг, қасамингга каффорот бергин-да, ўша яхшисини қилгин»**, дедилар».

Бухорий ва Муслим ривоят қилишган.

619. Умму Ҳусойн Аҳмасия розияллоҳу анҳодан ривоят қилинади:

«Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам билан видолашув ҳажида ҳаж қилдим. У зотни Ақабада тош отганларида, уловларида қайтганларида, у зот билан Билол ва Усома борлигида, бири уловларини етаклаб, бошқаси Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг бошларини кийими билан қуёшдан тўсиб бораётганида кўрдим. Ўшанда Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам кўп гапларни гапирдилар. Сўнгра қуйидагиларни айтганларини эшитдим: **«Агар қулоқ-бурни кесилган қул - менимча, «қора», деди - устингизда амир қилинса ҳам, Аллоҳнинг китоби билан бошқарар экан, унга қулоқ солиб, итоат қилинглр»**.

Муслим ривоят қилган.

620. Абдуллоҳ ибн Умар розияллоҳу анҳумодан ривоят қилинади:

«Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам: **«Мусулмон кишининг ёқтирсаю ёқтирмаса, модомики, маъсиятга буюрилмаса, қулоқ осиб, итоат қилиши вожибдир. Маъсиятга буюрилганда эса, қулоқ осиб ҳам, итоат қилиш ҳам йўқ»**, дедилар».

Бухорий ва Муслим ривоят қилишган.

«Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам» китобидан

Ушбу китоб Ўзбекистон Республикаси Дин ишлари бўйича қўмитанинг 2022 йил 30 ноябрдаги 03-07/9078-рақамли хулосаси асосида чоп этилган.